

**Лингвистикада фонологик ўзгаришларнинг антиномик тадқиқи  
хусусида**

**Шарипова Фируза Мехриддиновна**

**Навоий инновациялар университети ўқитувчиси**

**Аннотация:** Мазкур мақолада фонологик ўзгаришларни антиномик тадқиқотлар натижалари, уларнинг ўзбек тилидаги акс эттирилиши ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** антиномия, товуш физиологияси, интология, фонология, артикуляция, фонология мактаблари

Лингвистика фани ҳозирги даврнинг илғор фанларидан бири бўлиб тобора ривожланиб бормоқда ва унга тааллуқли бўлган улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги даврда қўлга киритаётган катта ютуқлари билан бирга, ҳали илмий тадқиқ этилмаган кўпгина соҳалар ҳам мавжуд. Жумладан, фонология ва морфонология, интонология ва матншунослик, семиотика каби соҳалар ҳануз етарли ўрганилмай келмоқда. Уларни келгусида чуқурроқ муҳокама этиш ва бу соҳадаги илмий изланишларни давом эттириш зарур.

Фонология термини лингвистикада XIX аср охирида ёш грамматикачилар мактабининг фонетик қонунларига жавобан, нутқ товушларининг артикуляцион физиологик-акустик (физик) томонидан функционал (лингвистик) томонини фарқлаш эҳтиёжи билан пайдо бўлди. Гарчи фонология термини кўпчилик тилшунослар томонидан эътироф этилса-да, аммо бу термин остида ўрганилиши лозим бўлган объект масаласида бир хиллик кузатилмади. Тилшуносларнинг жуда кўп қисми фонология термини остида нутқ товушларининг функционал томонини, айримлари, аксинча, артикуляцион-акустик томонини тушунадилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам фонология фонетикага қарама-қарши қўйилади. Хусусан, Ф.де Соссюр

шундай дейди: «Товушлар физиологияси кўп ҳолларда фонетика дейилади. Бу термин, бизнингча, номувофиқ кўринади. Биз буни фонология термини билан алмаштирамиз, чунки фонетика азалдан товушлар эволюцияси ҳақидаги таълимот бўлиб келган ва шундай бўлиб қолавериши керак. Фонетика тарихий фандир: у воқеаларни, ўзгаришларни таҳлил этади, замонда ҳаракат қилади; фонология замондан ташқаридир, чунки артикуляция механизми доимо ўзига ўзи ўхшашлигича қолаверади».<sup>1</sup>

Тилшунослик соҳасида дастлаб антиномия, яъни зидлаш орқали тил бирликларини ўрганиш немис олими В.фон Хумболт томонидан киритилган. Бу борада фонетика ва фонология ўзаро чамбарчас боғланган. Уларнинг асосий ўрганиш объекти битта. Биринчиси энг кичик нутқ бирликларини, иккинчиси эса шу нутқ бирликларининг фарқли белгиларини ўрганади. Демак, улар ўзларининг объекти жиҳатидан эмас, балки бир объектнинг турли ўрганиш аспекти экани билан фарқ қилади.

Ҳозирги лингвистикадаги фонологик назариялар академик Л.В.Шчерба назариясига асосланиб, уни ривожлантирмоқда. Москва ва Сакт-Петербург фонология мактаблари назариялари бир-бирига диалектик жиҳатдан зид бўлмаган назариялардир. Бу назариялар ўртасидаги илмий тортишув фақатгина фонологик метод ва фонема тушунчасига таъриф доирасида бормоқда. Сакт-Петербург фонология мактаби назарияси юқорида кўрсатилган Л. В. Шчербанинг фонологик назариясига асосланиб, фонема ва унинг оттенкасини тан олади. Л. Р. Зиндернинг кўрсатишича:

1. Фонема ҳақиқатда бошқа тил бирликларидан фарқ қилувчи бирлик.
2. Фонема фонетик бирлик бўлиб, у нутқ товушлари орқали маълум фонетик характерисгикасига эгадир.<sup>2</sup>

Москва фонология мактаби назариясини туркий тилларни тадқиқ қилишда Н.А.Баскаков томонидан қўлланиши характерлидир. Туркий тиллар

<sup>1</sup> Ф де Сессюр. Труды по общему языкознанию. – М., 1977. – С.70.

<sup>2</sup> Л. Р. Зиндер. Общая фонетика. Изд. ЛГУ, 1960. стр. 18.

фонологиясининг баъзи масалаларини ҳал қилишда Н.А.Баскаков Москва мактаби назариясини баъзи ўзгаришлар ва қимматли фикрлар билан бойитади. Масалан, гиперфонема тушунчаси ҳам Н.А.Баскаков<sup>3</sup> томонидан янги нуқтаи назарда қаралган. Фонемаларни тилнинг кўтарилишига кўра фарқлаш бир йўла унлилар ва тўлдирувчи хусусият сифатида ундошларга тегишли деб ҳисобланади. Бу хусусият унлиларга тегишли бўлганда, икки фонема фарқланади: 1) очиқ унли; 2) ёпиқ унли. ёпиқ унлиларнинг лабланганлик бўйича фарқланиши ўзак морфеманинг (биринчи бўғин) структураси ва ундаги ундошларнинг табиатига боғлиқ қатор бўйича фарқланиши эса бутун сўзнинг тузилишига боғлиқ. Агар тилнинг кўтарилиши бўйича фарқланишни фақат ундошларга тегишли тўлдирувчи хусусият деб қаралса, унда туркий тилларда бир унли гиперфонема бўғин ажратиш белгисининг функциясини бажаради. Унинг товуш хусусияти қуйидагиларга боғлиқ: 1) сўзнинг структураси (олд ва орқа қатор); 2) биринчи бўғиннинг ёки ўзак морфемасининг структураси ва унинг ядроси (лабланганлик ва лабланмаганлик); 3) шу бўғинни ифодаловчи ундошнинг характери (юқори ва пастки кўтарилиш). Шу асосда Н. А. Баскаков фонемалар вакилларининг асосий хусусиятлари билан бир бирига қарама-қарши бўлишининг аниқ симметрияси бир гиперфонема борлигини аниқлашга имкон берган ва у туркий тилларда бўлган асосий саккизта унли фонемалар типларида намоён бўлишини кўрсатади. Н.А.Баскаков таклиф этган «гиперфонема» Москва мактабининг тушунчасидан фарқ қилади, чунки у бўғин чегараси функциясини бажаради. Улар ўртасидаги ташқи ўхшашлик гиперфонеманинг бир қанча фонемаларни ўз ичига олишида кўринади.

Ўзбек тилининг товушлар системасини ёритишда А.К.Боровков, А.Н.Кононов, В.В.Решетов, А.И.Киссен, А.А.Клименко ва бошқалар ҳам академик Л.В.Щербанинг физикфонема назариясига асосланганликлари

---

<sup>3</sup> Н. А. Баскаков Введение в изучение тюркских язмов. М., 1969, стр. 125—126

сезилади. Бунга сабаб ўзбек тилида фонеманинг морфемаларини эмас, балки сўз ва сўз формаларини фарқлашига эътибор берилганидир. Чунки ўзбек тилида фонемалар ўзак морфемаларда кўпинча ўзгаришларга учрамай, кўшимча морфемаларда учрайди. Шундай қилиб, фонема, бир томондан, барча оттенкаларнинг умумлашмаси, иккинчи томондан, ҳар қайсиси конкрет ҳолларда мазкур фонеманинг вакили ҳисобланади. Фонема оттенкалари бири-бирига қарама-қарши қўйилади. Оттенкалар гуруҳи (фонема) еса бошқа оттенкалар гуруҳи (фонема)га қарама-қарши қўйилади. Натижада Л.В.Щчерба фонемани қисқача қилиб «конкрет вазиятда оттенкалар сифатида намоён бўладиган умумлашмадир»<sup>4</sup> деб изоҳлайди.

Юқорида таъкидланганидек, фонема қарама-қарши қўйиша антиномияси асосида аниқланади. Қарама-қарши муносабатда бўлувчи икки минимал бирлик қарама-қарши аъзолар ҳисобланади. Ўзаро қарама-қарши муносабатда бўлган фонемалар бир қатор белгиларга эга, шу белгилардан биттаси қарама-қарши муносабатга кирувчи фонемаларнинг бири учун фарқловчи (дифференциал), бошқалари фарқламайдиган (нодифференциал ёки иррелевант) белги ҳисобланади. Масалан, ўзбек тилидаги т ундоши тил олдилик, жарангсизлик, портловчилик, бурун товуши эмаслик, лаблашмаганлик каби белгиларга эга бўлиб, булардаги дастлабки уч белгиси фарқловчи, кейинги икки белгиси фарқловчи бўлмаган белгилар саналади. Чунки ўзбек тилида т ундоши ўрнида шу кейинги икки белгига кўра оппозицияга киришадиган ундош қўлланилмайди.

Тилнинг барча фонемалари маълум фарқловчи белгиларга кўра гуруҳланади ва шу тилнинг фонемалари системасини ташкил этадиган коррелятив қаторларни ҳосил қилади. Масалан, ўзбек тилида овознинг иштирок этиш-этмаслигига кўра жарангли ва жарангсиз ундошлар коррелятив қаторларни ҳосил қилади. Масалан, **п-б, т-д, с-з, к-г, қ-ғ, ч-ж** ва ҳ.к. Шу билан

<sup>4</sup> Щчерба Л.В. Фонетика французского языка. – С.14 – 20; Л.В.Щчерба концепцияси унинг шогирдлари Л.Р.Зиндер, М.И.Магусевич, Л.Л.Буланин ва бошқалар томонида ривожлантирилмоқда.

бирга, коррелятив қаторни ҳосил этмайдиган алоҳида қарама-қарши қўйиш, яъни ажратилган оппозиция ҳам учраши мумкин. Масалан, ўзбек тилида «х», «ҳ» ундошларининг жарангли-жарангсизликка кўра коррелятив қатори йўқ. Чунки уларнинг жарангли зидди мавжудмас.

Хулоса қилиб айтганда, фонология ва фонетикага оид муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш, лингвистлар олдида турган энг муҳим вазифалардан деб ҳисоблашимиз мумкин. Айниқса, ўзбек тилидаги морфонологик ўзгаришлар хусусида илмий тадқиқотлар олиб бориш давр талби бўлиб қолаверади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ф де Сессюр. Труды по общему языкознанию. – М., 1977. – С.70.
2. Л. Р. Зиндер. Общая фонетика. Изд. ЛГУ, 1960. стр. 18.
3. Н.А.Баскаков. Введение в изучение тюркских языков. М.,1969,стр. 125—126
4. Щчерба Л.В. Фонетика французского языка. – С.14 – 20;